

Бугун — Ватан ҳимоячилари кун!

Ҳар қандай мустақил давлатнинг ўз армиясига эга бўлиши шартлиги. Ўз сарҳадлари дахлсизлиги ва халқи тинчлигини кафолатли ҳимоя қила олиши зарурлиги изоҳ талаб этмайди. Мамлакатимизда Истиқлолга эришилгач, орадан кўп вақт ўтмай республикамиз ҳудудда жойлашган барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг, бошқа

далилидир. Бугунги кунда республикамизда мавжуд бўлган 4 та олий ҳарбий билим юрти ва Тошкент алоқа-электротехника

кузатувчи сифатида қатнашган кўплаб мамлакатлар, хусусан АҚШ ҳарбий мутахассислари Ўзбекистонлик аскар сержант, прапоршчи-гу офицерлар малакасига юксак баҳо беришди.

Юртбошимиз Ўзбекистон Олий Мажлисининг яқинда бўлиб ўтган XIII сессиясида Куролли Кучларимиз хусусида фикр билдириб, армиямизнинг миқдор жиҳатдан унча катта эмас, лекин яхши шайланган, замонавий қуроллар ва ҳарбий техника билан бекаму кўст қуролланган, мамлакатимиз хавфсизлигини мустақил равишда ҳар қандай шароитда пухта таъминлашга қодир бўлиши лозимлигини айтди. Бу — халқимиз дилидаги гаплардир.

Дарҳақиқат, бугунги армиямиз бундан 7 йил аввалги армия эмас. У жанговарлик жиҳатдан ҳам, замонавий қурол-яроғ ва техникалар билан жиҳозланганлик жиҳатидан ҳам тубдан такомиллашган армия. Унинг шахсий таркиби ҳам Ватан, ватанпарварлик туйғусини чин қалбдан ҳис этадиган мард ўғлонлардан ташкил топгандир.

Худойназар

ЖУМАНАЗАРОВ,
ҳарбий журналист.

Суратларда: ҳарбий машқлардан лавҳалар

Ўзбекистон аскарлари

Ватан ҳар қаричига Сенинг томиринг боғлиқ. Қўл ўргат қиличига, Шахнинг бежоголиқ, чоғлиқ. Мард йигитнинг аскарлари — Ўзбекистон аскарлари

Қўл толса, қўл бўлгудек Оғочнинг новдалари. Шижоати билмас чек Юрак ва гавдалари. Мард йигитнинг аскарлари — Ўзбекистон аскарлари.

Тошлари ҳам бир юмшоқ, Қадамга тегар қафиф. Бобонг этган бу тупроқ Кўз ёшинг қўяр артиб. Мард йигитнинг аскарлари — Ўзбекистон аскарлари.

Энгашиб сен ёққа кўк, Чорлар ҳов, юксакликка. Устига олиб Ғиркўк, Чопар тўрт ёққа тикка. Мард йигитнинг аскарлари — Ўзбекистон аскарлари.

Ватан ўзи нимадур? Қўзда қорачиқ Ватан. Бостирса қадрдон нур, Кўкси-да очиқ Ватан. Мард йигитнинг аскарлари — Ўзбекистон аскарлари.

Уелинг бешиги боғлиқ Қўрақоғи ёлннга. Ёраб, тушмагай доғлиқ Онанга, аёлинга. Мард йигитнинг аскарлари — Ўзбекистон аскарлари

Сени кутар кенгликлар, Кутар от берган отанг. Тоғ-ёқа, қир-енгликлар, Йўлинда пешвоз — Ватан. Мард йигитнинг аскарлари — Ўзбекистон аскарлари.

Тура МИРЗО

Азиз муштарий! Куйида таърифланган сўзаларни белгиланган хондан соат миля йўналишида рақам атрофига ёзинг.

қўшинларда бир неча взводдан ташкил топган аскар бўлима. 2. Йирик ҳарбий қисм ёки қўшин бошлиғи. 3. Давлатнинг ҳарбий

Содиқ ва собит ўғлонлар



ҳарбий тузилмаларнинг Ўзбекистон юрисдикциясига олиниши шу нуқтани назардан оламшумул воқеа бўлди. Айнан шундай қарор қабул қилинган кун 14 январь — Ватан ҳимоячилари кун сифатида белгиланди. Бугун байрамнинг 7 йиллиги барча посбонлар, барча ватанпарвар халқимиз томонидан кенг нишонланди.

Ўтган йиллар мобайнида Президентимиз, ҳукумати-миз томонидан миллий армиямиз — Куролли Кучларимиз салоҳиятини ошириш, жанговар шайлигини юксалтиришга катта эътибор берилди ва берилмоқда. Мамлакат Мудофаа вазирлигининг ташкил этилганлиги, «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида», «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қарорларнинг, ҳарбий Доктринанинг қабул қилинганлиги, Марказий Осиёда ягона Куролли Кучлар Академияси ва Авиация олий ҳарбий билим юртининг очилганлиги ҳам фикримиз

институтининг махсус факультетида армиямиз учун зарур бўлган барча мутахассисликлар бўйича малакали офицер кадрлар тайёрланмоқда.

Марказий Осиё ҳудудига тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида 1995 йил 15 декабрда Жамбул шаҳрида Ўзбекистон,

Қозоғистон ва Қирғизистон давлатлари раҳбарлари БМТ ҳомийлиги остида учала мамлакат бўлинмаларидан иборат Тинчликни сақлаш батальонини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилишди. Марказий Осиё батальони тузилганидан бери ўтган давр мобайнида Ўзбекистоннинг ушбу жамоа таркибига кирувчи ротаси жангчилари мамлакатимиз ҳудудига ва хорижий давлатларда ўтказилган кўплаб тинчликни сақлашга қаратилган ҳарбий машқларда иштирок этиб, юксак жанговар маҳоратга эга эканликларини намойиш этишди. Бунга мисол қилиб АҚШ, Норвегия, Қозоғистон, Қирғизистон ва ўз ҳудудимизда бўлиб ўтган халқаро ҳарбий машқларни кўрсатиш мумкин. Уларда



Кичик сержант Отабек Пулатов Сирдарё вилоятининг Шароф Рашидов туманидан ҳарбий хизматга олинган. У ҳозир назарий ва амалий ўқув машғулотларида ҳамда жанговар тайёргарликда намуна кўрсатмоқда. Взвод командирлари уни шахсий таркиб билан ишлаш бўйича муҳим лавозимга лойиқ қўриб туришибди.

1. Пийда аскарларда, танк, муҳандислик ва бошқа

қуролли кучлари мажмуи.

4. Снаряд ва ўқлар тайёрлаш учун ишлатиладиган портловчи модда. 5. Икки томони тигли қурол. 6. Таниқли ўзбек генерали, саркарда, қаҳрамон. 7. Миноётдан отиладиган снаряд. 8. Ҳарбий машқлар ўтказиладиган майдон. 9. Ўқотар қурол. 10. Ҳаво, денгиз ва танк жангларида қўлланиладиган усул. 11. Мансаб погонаси, рутба. 12. Довюрраклиги, ботириги билан шуҳрат қозонган, мардлик қилиб ўзини кўрсатган киши. 13. Амир Темур даврида кўшиннинг марказ қисми. 14. Ўтмишда тош отиш учун ишлатилган содда қурол. 15. Қадимда ҳокимият рамзига айланган мусиқа асбоби. 16. Мерганликда ўқ узиш учун мўлжалга олинган нарсаси. 17. Ватанимиз жанубий чегараси яқинидаги вилоят маркази. 18. Аскарнинг ўз хизматига содиқлик ҳақидаги расмий, қатъий ваъдаси. 19. Сузда фойдаланиладиган қурилма. 20. Мамлакатимизда умумқўшин командирлари тайёрланадиган олий ҳарбий билим юрти жойлашган шаҳар. 21. Қўшиннинг жанговар рамзи. 22. Муҳандислик қўшинлари хизматчиси. 23. Душмандан ҳимояланиш учун қазилган чуқурлик. 24. Рақиб томон-

нинг ҳарбий кучи ҳақида маълумотлар аниқлаш билан шуғулланувчи бўлинма.

Муаммонома: Аввало куйида баён этилиб рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очкични ҳал этинг.

1. Аҳоли турар жойида доимий ёки муваққат жойлашган ҳарбий қисм — 21, 2, 22, 3, 1, 13, 12, 3.

2. Халқ ҳикматидан: Аскарнинг кўкси — эл учун 10, 2, 4, 27, 2.

3. Ўрта асрда қўшиннинг илғор қисми ортидан борувчи бўлинма — 20, 1, 22, 12, 25, 18, 4.

4. Куролли кучлар мажмуи — 10, 23, 24, 1, 3.

5. Хожа Самандар Термизий ҳикматида: Жондан кечиб 9, 2, 26, 8, 12, 3 сари сурган от, Бахту иқболга бўлар муяссар!

6. Алишер Навоий ҳикматида: Эранлар хизматига кимки умрин 19, 2, 22, 13 этар,

Агарчи умри кетар, аммо жовид умрга етар.

7. Оғир ва қийин шароитда кўрсатилган мардлик — 24, 1, 15, 12, 2, 6.

8. Ўқ таркибидеги портловчи модда — 11, 2, 22, 14, 8.

9. Хабар, маълумот — 2, 17, 7, 12, 22, 12, 6.

10. Амир Темур ҳикматида: «5, 18, 16 — адолат-да».

Энди очкич жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларни мос ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ечинг. Ундан аввал шаклнинг тўрт тарафидаги ёйлар бўйича, сўнг юқори ва пастки қисмлари бўйича ўқиш билан икки ҳикматли сўз аён бўлади.

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ**

«Аёллар йили» ўйланмасининг жавоблари

1. «Онажон». 2. Нозима-хоним. 3. Марям. 4. Мушарраф. 5. Фармонбоби. 6. Ибо. 7. Охунова. 8. «Алла». 9. Азимжоновна. 10. Анзирад. 11. «Тумарис». 12. «Санама». 13. Меҳинбону. 14. Узук. 15. Каштадулик. 16. «Кўзинг». 17. Гулбаданбегим. 18. Маҳзуна. 19. Адолат. 20. Темирова. 21. Азизова. 22. Аглас. 23. Саломимиз жанубий чегараси яқинидаги вилоят маркази. 24. Тиллақош. 25. «Шаҳноз». 26. Зеби. 27. Илм. 28. Мушк. 29. Кимано. 30. Ойдин. 31. «Настарин». 32. Нодира. 33. Асрора. 34. Абдуллаева. 35. Адиба. 36. Анбар. 37. Раъно.

Муаммонома: Очкич сўзлар: 1. «Нилуфар». 2. Ситорабону. 3. Исирга. 4. Зухра. 5. Меҳр. 6. Шодие-на. 7. Ойгул. 8. «Жонон». 9. Энага. 10. Кўрк.

Қатралар

Бекорчилик кишини бехуда хайёлларга олиб боради, бехуда хайёллар эса кишининг осойишталигини бузади.

— Нега дўстнинг душманга айланиши осону, душманнинг дўст бўлиши қийин?

— Иморатни бузиш қуришдан, жомни синдириш пайванд қилишдан, пулни сарфлаш топшидан осонроқда.

Дано миёсини тўлдиргани қайгурса, подон қорини тўйдиргани қайгуради.

Майда-чуйда нарсаларга парво қилмаслик ҳар бир ақллига хос ҳислатдир.

Узини ҳаммиса олижаноб тўтиб юрган кишининг виждони ҳеч қачон қийналмайди.

Маъсуда ЁҚУБОВА

Уни анчадан бери танийман. Меҳнатқаш, ҳалол, ижрочи йигит. Қанақа топшириқ бўлса «Хўп хўжайин» дерди-ю бажармагунча тинчимасди.

Хуллас, шу танишимни тушкун ҳолда учратдим. Ҳол-аҳволлашайти-ю, ич этини нимадир еб турибди. Сўраб-суриштиравганимдан сўнг, ахирини ёрлиди.

— Кўрмайсизми, кеча «катта» кўпчилигининг олдига бўралаб сўкса бўладими. Ҳатто онамга тил теккисди-я.

Танишим унча-мунча дакки-дашномни эшитдим демая «Айб бизда, тузатамиз хўжайин» деб кетаверадиган тоифа эди. Бирок энди чидамабди. Ёши қирқдан ўтганда раҳбарнинг сўкиши малол келадиган, суяк-суягидан ўтадиган бўлиб қолибди.

— Тавба, олдинлари қандай тоқат қилган эканман?! — дейди уф тортиб ўша танишим.

Шу воқеадан бери сўкиш, ҳақорат каби «одат»лар бизда қачон пайдо бўлди, деган савол мени қийнайди. Тўғри, қадимда ҳам шумликлар, чапани, снгил сўкинишлар бўлгандир. Зеро динимиз хушхулқликни улуғлаб, оғзинга ёмон сўзлар олишни қоралаб келган. Ҳади-

си шарифда: «Одамларга таом едиринглар ва ширинсўз бўлинглар» дейилади. Яна бир гап: агар ўзбек йигитларида кўпол сўкинишлар азалдан одат бўлганда, реалист Абдулла Қодирий назаридан четда қолмасди, бадиятида учарди. Унда бизларга бу иллат қақдан ёпишди?

... Ҳарбий хизматга янги борган пайтимиз. Рус тилини унча-мунча биламан. Дастлабки кунламоқ асабга теккан сержантдан тортиб майоригача оғиздан бодиб кириб — шоди чиқши бўлди. Айрим чиқдиқлар шунақа гап туздики, рус тилининг «оёғи

Мулоҳаза

осмондан» бўлиб кетади. Учинчи кун эди, бир зиёли қурлодошимизни сўкишди.

— ... твою мать, бунақа қилиш яхшимас.

У сержантнинг ёқасига ёпишди. Жанжал катта

бўлди, хуллас бизни рота сардори муҳокама қилди. Гап нимадалигини билиб олгач, капитан роса кулди ва бизга тушунтира кетди: «Бу ҳақорат эмас, биз оғзаки нутқда сўзни-сўзга боғлаш учун ишлатамиз. Сен зинҳор хаффа бўлма ва кўник» деди, огайнимизга.

Нонлоқ, мусофирчилик экан, кўниклик. Энди бирга хизмат қилаётган, ҳали рус тилини тузук-қуруқ билмайдиганлар ҳам ана шу эгасию кесими нукул шалоқ, уят сўзлардан иборат «рус тилини» улаштириб олган эдилар...

Сўкманг, хўжбайин

Бугун айрим йигитларимиз хотиржам сўкинишга ўтган, ҳатто аёллар бор йигинда оғзидан кўпол сўзлар чиқиб кетаётган, жамоа жойларида ўша «боғловчи»лар иштирокида гап тузиб юборишлар

қиб, раисга ўшқирибди: — Ҳе, онангни... Сенда кулоқ борми ўзи?!

— Мана энди топширингиз тушунарли, албатта бажарамиз, — дермиш раис ишайиб.

Шу латифани айтган киши кўшимча ҳам қилиб қўйди:

— Ана шунақа, ҳозирги одамларнинг нафеонияти-

«Урсанг эти қотар, сўксанг бети» деган нақл бор. Бети қотади дегани аста-аста ҳар қандай ҳақоратга тоқат пайдо бўлади, унча-бунча дакки кор қилмайдиган бўлиб қолади, дегани эмасми?

Сўкинишлар наинки ишлаб чиқаришда, ҳатто айрим зиёлилар орасида ҳам «урф» бўлганига нима дейсиз?! Яна бир оғриқли нуқта. Ҳақоратлар асносида ихтиёр-беихтиёр «Она-нинг, «Аёл»нинг шаънига, улуғ зотлар номига тил теккизилаётганига умуман чидаб бўлмайди.

Айримлар эрқотай фарзандларини «Фалончини бир сўкиб қўйинг» деб талтайтиришлари, норасида оғиздан ҳақорат чиқса «Ҳа, ота ўғил» деб рағбат беришига нима дейсиз?! Кулласизми-куясизми?!

Таҳорат муножатиде оғизга ёмон сўзлар одамлик учун, кулоққа шундай сўзлар кирмаслиги учун сув билан поклаш зикр этилади. Яна Ҳадисда: «Одамлар билан хушмуомала бўлинглар, уларга қаттиққўллик қилиб, беҳаё сўзламанглар» дейилган.

Эшитдингизми?

Қаҳратон кишининг изғирини аямасдан ўз зулмининг фақат биз — автобус бекатида турганларга ўтказибётгани. Балки автобусни кутавериб тоқатимиз тутаганидан, асабларимиз чарчаганидан шундай туюлар.

Чорасизлик одами янада эътиборлиқ бўлишга мажбур қиларкан шекилли, мен ҳам атрофимдагиларнинг гап-сўзларига кулоқ тутга бошладим, сабрдан ўзга нажоти йўқ бу одамларни кузатиш ҳам қандайдир мароқли эди.

— Эшитдингизми, бугун Европа давлатлари бирлашиб, ўзлари учун ягона пул чикарди, — деб қолди кексароқ аёл ёнидаги кишига.

— Ҳа!!! Ҳамма жойда айтилаётган гап ҳам шу-да... Уни Европанинг энг ривожланган давлатлари жорий қилибди. Фақат энди долларнинг тақдирини нима кечаркан-а?

— Нима бўларди... Долларнинг умри тугайди! Бўлди-да энди, жа-а, ўзи бозордаям, уйдаям азиз «меҳмон»имиз доллар бўлиб қолганди.

— Менимча, Америка бунга йўл қўймасе керагов... —

— Ие, нега йўл қўймаскан... — дея у чўрткесар аёл ўз фикрини исботлай кетди.

Уйланиб қолдим. Ҳақиқатан ҳам энди чўнтагимизни тўрини уларнинг қайси бири «маҳр» этаркан?!

Маҳмуджон ПАРПИВ

ФАРИДА

Японияда

мадҳиямиз янгради

Кунчиқар мамлакатда дзюдо бўйича йирик халқаро мусобақа ўтказилди. Беш кун давом этган бешлашувларда 43 мамлакатдан 400 нафар спортчи иштирок этди.


«Пахтакор»да янги устоз

Пахтакорчилар МДХ чемпионлари кубогида иштирок этишдан воз кечишди. Уларнинг ўрнига қайси жамоанинг Москвага бориши аниқланмоқда.

иштирок этишга зўр беришмоқчи. Шу мақсадда «Пахтакор» БААга йўл олади. У ерда бир неча ўртоқлик учрашувларида қатнашиб, машқни тобига етказди.

Осиё чемпионатини кўзлаб

Кеча мини-футбол бўйича учинчи миллий чемпионатнинг 2-тур ўйинлари бошланди. Республика футбол федерациясида шунга бағишланган матбуот йиғилиши бўлди.



СЕН ТАРК ЭТМА МЕНУ

Нормурод Нарзуллоевнинг «Ешлигим, сен тарк этма мени» шеърини ошула қилганимда ўз мухлисларим бўлганини ҳалигача қувонч билан эслаймиз.

Кўшиқ танлашда нималарга кўпроқ эътибор берасиз?

Аввало, мазмунига, қолаверса, халқ уни қандай қабул қилишига кўпроқ эътибор бераман. Саъдулла Ҳакимнинг «Сен кутган баҳор» Абдулла Ориповнинг «Сен борсан» шеърлари ижодимда янги талқинни бошлаб берди.

диган ашулалар. Шунча меҳнат беқорга сарф бўлади. Куй яратиш, оранжировка, яна туянинг ўрқачидой фонограмма, булар меҳнат эмасми? Менинг фалсафам: ҳар бир инсон ўз меҳнатининг қадрига етиши керак.

Барибир замон ўзгаргани сайин кўшиқ ҳам, муҳлис ҳам ўзгариб боради. Бу табиатнинг ёки тараққиётнинг қонуними? — Кузатишимча, тафаккур тарайгани сайин одамларнинг жуссаси ҳам кичраиб боради.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1999 yil 14 yanvar, payshanba № 6 (24.401).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги электр алоқа хизматлари тариф миқдори маълумотлари

Table with columns for 'ХАЛҚАРО ТЕЛЕГРАММА ТАРИФЛАРИ' and 'Тўлов ҳақи (сўмда) ҳар бир сўз учун'. Rows include 'Марказий Осиё давлатлари' and 'Европа, Осиё, Африка, Америка, Австралия'.

ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИНИНГ АСОСИЙ ХИЗМАТИ ТАРИФЛАРИ

Table with columns for 'Танкилот', 'Аҳоли учун', and 'Хизмат турлари'. Rows include 'Ўзлашувларга ҳақ тўлашнинг вақтбай тартибига ўтказилмаганлари' and '180 дақиқадан ортиқ сўзлашувнинг ҳар бир дақиқаси учун'.

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ БЎЙИЧА ТЎЛОВ ҲАҚЛАРИ

Table with columns for 'Асосий телефон аппарати учун ойига:', 'якка тартибда фойдаланиш учун', 'жамоа бўлиб фойдаланиш учун', 'қўшимча ўрнатилган телефон аппарати учун', 'турли абонентларда ўрнатилган жўфтлаштирилган ва қўшимча телефонлар учун ойига:', 'якка тартибда фойдаланиш учун', 'жамоа бўлиб фойдаланиш учун'.

ҚИШЛОҚ ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИ БЎЙИЧА ТЎЛОВ ҲАҚЛАРИ

Table with columns for 'Асосий телефон аппарати учун ойига:', 'якка тартибда фойдаланиш учун', 'жамоа бўлиб фойдаланиш учун', 'қўшимча ўрнатилган телефон аппарати учун', 'турли абонентларда ўрнатилган жўфтлаштирилган ва қўшимча телефонлар учун ойига:', 'якка тартибда фойдаланиш учун', 'жамоа бўлиб фойдаланиш учун', 'Километрбай ҳақ тўлаш Абонент телефони шаҳар (аҳоли пункти) телефон станциясига уланган бўлса, абонент ва сўзлашув ҳақидан ташқари абонентдан то шаҳар чекасигача бўлган масофанинг ҳар км.га'.

ТЕЛЕФОН ЎРНАТИШ

Table with columns for 'Асосий телефон аппарати ўрнатиш учун қайд этиш тўлов', 'Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида', 'Вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар ва туман марказларида', 'қишлоқ жойларда (қайд этиш тўловидан ташқари янги АТС ишига тушганида телефон ўрнатиш ҳақи сарф-ҳаражатлар сметасига қўра амалга оширилади)', 'Қўшимча телефон ўрнатиш учун қайд этиш ҳақи:', 'шаҳарлар ва туман марказларида', 'қишлоқ жойларда'.

ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТА ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ АГЕНТЛИГИ

Қизинг ҳайти сақлаб қолинди

Хатарчи тумани марказий шифохонаси реанимация бўлими ревматолог врач Олимжон Камолов ўз касбидан ҳурмат тоилганлардан. Яқинда бир воқеа бўлиб ўтди. 8 ёшли Азиза оғир плевроит хасталиги билан реанимацияга келтирилди.

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги «Термизинкорд» ташқи савдо фирмаси

ТУГАТИЛАДИ Барча даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Манзил: Термиз шаҳри, Ф. Ҳўжаев кўчаси, 17 а-уй Тел: 3-17-43, 3-76-87

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги икисодиёт бoш бошқармасининг етакчи мутахассиси

Рашида Екубова ВАХОВОВАнинг бевақф вафот этганини билдириб, марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади. «Ўзэкспомарказ» Республика савдо-кўرғазма маркази жамоаси «Ўзэкспосервис» фирмаси директори А. Зокировага онаси Холбуви АКРОМОВАнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Кўшиқ, сен нечоғли кучсан? Нечун сени тинглаган кўнгла аввал осмону фалакка парвоз этади?

Сен авжлаган сайин кўнгла ҳам шиддаткор тус олади. Йўқ, йўқ, у бўшлиқда шунчаки, ҳавасга учмайди, балки эзгу орзулар қаюптида учеди. Самовий парвози нимадир яратеди кўнғилда. Бағирнинг туб-тубига яширинган гавҳарларни уйғотади. Кўнғил гавҳарга айланади кўшиқ тинглаб. Бир гал «Оталар чойхонаси» кўрстувини томоша қила туриб, хонанда Бахтиёр Холхўжаевнинг Аҳмад Яссавий ҳикматларидан тўзилган кўшиқларини эшитиб қолдим.

Бахтиёр ака, Аҳмад Яссавий ҳикматлари дастурингиздан жой олибди. Бунда ҳам ҳикмат бордир?

— Ҳикмат, болалардан кўп эшитардим, аммо Аҳмад Яссавий ҳикматлари эканини билмасдим. Ўзим ҳам билиб-билимай хиргойи қилиб юрардим. У замонлар кадрларимиз топталган эди. Ҳикматларни ҳамма айтардию исми шоридини айтишдан қўрқарди. Ошқора айтилмасди. Бери-бири овозлик яхши-д, энди истоганча боралла айтиш мумкин: Аҳмад Яссавий ҳикматлари, деб. Қолаверса, менинг ижодимда ушбу ҳикматлар бурилиш ясади. Юрагимда нимадир уйғонгандек бўлди.

Миллий санъатимизни ривожлантириш, такомиллаштириш кўп бора айтилапти. Айниқса, бастакор, шoir ва кўшиқчи ҳамкорлиги қадимий анъаналаримизни, урф-одатларимизни тиклашда, кўшиқчилик санъатини, салобатини озиришда ўта муҳимдир. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Менга кўпроқ мўнотоз ашулалар ёқди. Нечоғли айта оламан, буни мухлисларим баҳоласлар. Ҳамкорлик тўғрисида шунга айта оламан. Абдулла Орипов, Нормурод Нарзуллоев, Саъдулла Ҳаким, Азим Суюн ва Мухаммад Юсуфларнинг шеърларидан фойдаланаман, баъзи шеърларни ушуларга кўрсатаман. Керакли ўғитларини оламан. Бастакорлар Қархонро Комилов, Бахрулло Луғуллоев ва Алишер Расулловларнинг басталган куйлари менга кўпроқ ёқди. Мана шу ҳамкорлик сабаб мухлисларимдан эътироз эшитмадим.

Илк айтган ашуланингизни эслаш оласизми?

— Эҳ, у замонлар... Эсласам юрагимда илик хотиралар ёмирлаб қолади. Ешлик сурури, кўшиқ иштиеки бошқача эди-да. Биринчи айтган ашулаларим кўписи оддий, содда эди. Улар билан танилдим. Фақат

Лекин тараққиёт ақлни ўстирадику!

— Ҳа, аммо бир нарсани ёдда тутмоқ керак. Яратувчи битта, яралганга маҳиёлар миллионда. Енгиллик орқича фикрлашдан тўхтади одамни. Фикр эса тафаккурни, чорқолади.

Биласизми, мен ҳам ёшлигимда кўп эшитардим: «Умринг елдек ўтаро», «Туркистонда мазор бўлиб қолдим мано» хиргойиларини, Одамлар кетмон чапёганида ҳам, далада куй боқайганида ҳам хиргойи қилишарди. Аҳмад Яссавийники эканлигини талабалик чоғларимда билдим. Сиз бу ҳикматларни замонавийлаштирибсиз, хиргойилардан анча фарқ қилади...

Мен уни кўшиққа солдим. Маънавий қадриятларимизга асосланган ҳолда куй яратдим. Ҳозирги муҳлисни эътиборга олиб, замонавийлаштирдим. Тингловчига осон сингиши, ўй-фикрини бойитиши учун жиндек енгилроқ, қувонқор қилиб қуйладим. Нечоғли муваффақиятга эришдим билмайман. Лекин ўзимга ёқди. Мухлисларим яхши қабул қилишди.

Бадий китоб ўқишни ёқтирасизми?

— Китоб маънавий сезгини, тушунишни кенгайтиради. Ҳоётга теран қарашига ўргатади. Кўнғилда янги-янги туйғулар кўзгаётиди. Шунинг учун ҳам бадий китоб ўқишни ҳуз қўраман, айниқса, «Ўткан кунлар» романини қайта-қайта ўқийман.

Ўғлингиз Санжар ҳам эстрадада кўшиқ айтarkan. Сиз унга кўшиқ сирларини ўргатиб турасизми ёки санъаткор бўлишини истамасизми?

— Баъзи кўшиқларини ота-бола муҳокама қилиб тураман. Санжар ҳали ёш, келажоғи олдинда. Бир гални айтиб қўяй, агар санъаткор бўлиш унда шунчаки ҳавас бўлганида рози бўлмасдим. Бу унинг келажак орзусига айланган. Кўшиқ билан озиқланипти. Бундан хурсандман. Катта соҳнадан ўзига муносиб ўрин олиш учун ҳар бир санъаткор тер тўкиши керак. Меҳнатсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Илзонини, ўзига нисбатан талобчанлик муҳим. Санъатда омад ҳам катта рол ўйнайди.

Мустақилликнинг етти йиллиги муносабати билан «Республикада хизмат кўрсатган артист» унвонини олибсизми...

— Боболар етти хосиятли рақам, дейишарди. Менинг шу камтарона меҳнатларим муносиб тақдирланганидан бутун оиламиз билан қувондик. Битта истогим бор, у ҳам бўлса фақат халқимга, юртимга хизмат қилиш!

«Ўзбекистон овози» мухбири Юсуф ЖУРАЕВ сўхбатлашди

Мўхтарам фуқаролар!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки эътиборингизга, янги «Даромад» номли 3 ойлик, қисқа мuddатли депозит омонати жорий этилганлигини маълум қилади. Бу омонат тури бўйича пул маблағлари Халқ банкининг барча бўлимлари томонидан қабул қилинади. Ушбу омонат турига Сиз ўз номингизга ёки бошқа шахс номига камида 5000 сўм миқдоридан нақд пул маблағ қўйиб, омонатнинг сақланиш мuddати тугагандан сўнг омонат қолдиғининг 5 фоизи миқдоридан даромад олишингиз мумкин. Ҳурматли фуқаролар! «Даромад» омонатини расмийлаштиришга шошилинг! Ушбу омонат бўйича Сиз яхшигина даромад эгаси бўлишингиз мумкин. «Даромад» қисқа мuddатли омонати бўйича қўшимча маълумотларни Халқ банки бўлимларидан ёки қуйидаги телефон орқали олишингиз мумкин: 173-86-80, 78-53-63. Ўзбекистон Республикаси Халқ банки Бошқаруви

Бош муҳаррир Азим СҮЮН

- Тахрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулқадир ЖАЛОЛОВ, Азим НОСИРОВ, Олимжон ОЛИМЖОНОВ, Ислам ШОҒУЛОМОВ, Салим АШУРОВ, Валерий ЛАБАРЕШНИХ, Алимкул СУЛТОНОВ, Валерий ЛАБАРЕШНИХ, Алимкул СУЛТОНОВ, Валерий ЛАБАРЕШНИХ

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ ГОЛОС ЎЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

- БЎЛИМЛАР: Мафкура ишлари ва партия ҳаёти, Парламент фаолияти ва ҳуқуқ, Иқтисодий, Санъат, қурилиш ва транспорт бўлими, Реклама ва эълонлар

ВИПОЯТ МУХБИРЛАРИ:

- Анджонда, Бухорода, Гулистонда, Жиззахда, Навоийда, Наманганда, Нукусда, Самарқандда, Тошкентда, Урганчда, Фарғанада, Қаршида, Термизда

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТВОУТЧИЛАР КҮЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Мирбахтиёр МИРФАЗИЕВ навбатчи Соҳиб САЛИМОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дистурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А-2 форматда, 25.805 нусхада Босилади.

Ҳажми 2 босма табоқ «Ўзбекистон овози» материалларини қўйиб Босиш фақат тахрирнинг рухсати билан амалга оширилади. Г - 03. Босишга топшириш вақти: 21.00. Топшириш: 22.30. 1 2 3 4 5 6. СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА